

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>У.Бекбаев, К.Муминов</b> Матрицали дифференциал тенгламалар системасини сиртлар учун Лоренц алмаштиришлари аниқлигида ечиш.....	5
<b>Э.Каримов, С.Кербал</b> Суб-диффузия ва тўлқин тенгламаларидан иборат аралаш типдаги тенглама учун трикоми типдаги масала.....	10

КИМЁ

<b>Н.Бозоров, В.Кудышкин</b> Метилакрилатнинг акрил кислотаси билан сополимеризацияси .....	15
<b>Ҳ.Исмоилова, Д.Бекчанов, Ш.Ҳасанов, М.Балтаева</b> Пластикат поливинилхлоридни полиэтиленполиамин билан модификациялаб олинган ионитга мис(II), никель (II) ва кобальт(II) ионларининг сорбцияси .....	19
<b>М.Ахмадалиев, И.Асқаров</b> Зарарсиз толалар асосида маҳсулот олиш канцероген асбест муаммоларининг ечими сифатида .....	22
<b>Б.Саттарова, И.Асқаров, Ш.Абдуллоев</b> Товуқ гўштини сертификатлашда унинг таркибидаги антиоксидантлар миқдорини аниқлаш.....	27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>Р.Максудов</b> Фарғона вилоятида анорчиликни ривожлантириш ва ушбу соҳанинг истиқболлари .....	33
--	----

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>А.Гафуров, О.Гафуров</b> Агроиқтисодиётнинг муҳим моддий ва маънавий тимсоли (КФК 80 ёшда).....	36
---	----

ТАРИХ

<b>Б.Абдуллаев, З.Раҳманов, Н.Камбаров</b> Қўштепа-2 ёдгорлигидаги кўшк хандагининг тадқиқотлари .....	40
<b>У.Мирзалиев</b> Совет даврида Сирдарё вилоятидаги тарихий-демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари .....	44
<b>И.Хўжахонов</b> Совет тарихшунослигида ўзбеклар миллий идентиклиги муаммосининг ўрганилиш жиҳатлари.....	48
<b>М.Ҳасанов, Юнпенг Танг, М.Ҳомиджонова</b> Шимолий Бақтриянинг Кушонлар даврига оид янги ёдгорликлари.....	54
<b>Р.Мамадалиев</b> Исмоил ака – темуршунос олим .....	59
<b>Ш.Охунжонова</b> XIX аср ўрталари - XX аср бошларида Фарғона водийси бозорлари тарихидан.....	64

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>Г.Ғаффарова</b> Мураккаб тизимларга оид илмий ғоялар .....	68
<b>М.Маматов</b> Тасаввуф таълимотининг ижтимоий-маданий детерминантлари .....	73
<b>Т.Абдуллаев, Б.Холматова</b> Инсон омилини фаоллаштириш масалалари .....	77
<b>О.Бойбуваева</b> Мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг такомиллашуви .....	82

**ИСМОИЛ АКА – ТЕМУРШУНОС ОЛИМ**  
**ИСМАИЛ АКА – УЧЕНЫЙ-ТЕМУРОВЕД**  
**ISMAIL AKA – SCIENTIST OF TEMUR'S LIFE**

**Р.Мамадалиев**

**Аннотация**

*Мақолада туркиялик тарихчи Исмоил Аканинг Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятига оид қарашлари тарихий манбалар асосида таҳлил этилган. Туркияда темуршунослик мактабининг шаклланишида Исмоил Аканинг ўрни ва роли кўрсатиб берилган.*

**Аннотация**

*В статье на основе исторических источников проанализированы взгляды турецкого историка Исмаила Ака на жизнь и государственную деятельность Амира Темура. Показана роль и место Исмаила Ака в формировании темуроведческой школы в Турции.*

**Annotation**

*The article analyzes the views of the Turkish historian Ismail Aka on the basis of historical sources on the life and activities of Amir Timur. The role of Ismail Aka in forming the school of Temur Studies in Turkey is shown.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Исмоил Ака, “Буюк Темур давлати”, Амир Темур, Ўзергин Мустафо Камол, Южел Яшар, Даш Мустафо, Алан Хайринисо, Юксел Мусо Шомил, Султон Боязид, Тўхтамиш, темуршунослик, Кизилчакўй.*

**Ключевые слова и выражения:** *Исмаил Ака, “Государство великого Темура”, Амир Темур, Озергин Мустафа Кемал, Южел Яшар, Даш Мустафа, Алан Хайриниса, Юксел Муса Шамиль, Султан Баязид, Тохтамыш, темуроведение, Кызылчакўй.*

**Keywords and expressions:** *Ismail Aka, “State of the great Timur”, Amir Timur, Ozergin Mustafa Kemal, Yucel Yashar, Dash Mustafa, Alan Hayrinisa, Yuksel Musa Shamil, Sultan Bayezid, Tokhtamysh, Temur Studies, Kizilchakuy.*

Жаҳон тарихида буюк давлат арбоби, энгилмас саркарда сифатида ўрин олган Амир Темурнинг ҳаёти ва давлатчилик фаолиятига хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш каттадир. Хусусан, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Туркия ва қатор бошқа мамлакатларда Соҳибқиронга бағишланган мингтадан ортиқ илмий тадқиқотлар, асарлар яратилганлиги аниқланган.

Туркия тарихшунослигида Амир Темур шахсига ва у тузган давлат тарихига бағишланган тадқиқотлар ҳам эътиборга лойиқдир. Бизга маълумки, Соҳибқирон Усмонли турклар давлатига юриш қилиб, унинг ҳукмдори Султон Боязидни мағлуб этган эди. Ушбу низо Туркия темуршунослигининг шаклланишига қай даражада таъсир этганлигини ўрганиш ҳам қизиқарлидир.

Туркияда Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. XX асрнинг 60-70 йиллари Туркияда Соҳибқирон тарихи бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган давр бўлди. Хусусан, бу йилларда Южел Яшар [1], Ўзергин Мустафо Камол [2], Исмоил Ака [3] сингари йирик олимлар томонидан Темурийлар давлати тарихи бўйича илмий изланишлар олиб борилди ва бу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ бир қатор асарлар

чоп этилди. Шу тариқа, Туркияда ҳам темуршунослик мактаби шаклланди.

Бу мактаб вакиллари ҳозирги кунда ҳам темуршуносликнинг турли масалаларига бағишланган тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Даш Мустафо [4], Алан Хайринисо [5], Юксел Мусо Шомил [6] каби тарихчиларнинг асарлари соҳанинг ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Туркия темуршунослик мактабининг шаклланишида йирик тарихчи олим Исмоил Аканинг асарлари муҳим аҳамият касб этди. Тарих фанлари доктори, профессор Исмоил Ака 1942 йилда Измир шаҳрида таваллуд топган. У дастлаб ўз шаҳрида таълим олиб, сўнгра 1961-1965 йилларда Анқара университети тил ва тарих-география факультетида ўқишни давом эттирди. Таҳсилни якунлагач, ушбу университетда иш фаолиятини бошлаган Исмоил Ака 1971 йилда “Темурнинг вафотидан кейинги давр ва Шоҳруҳнинг ҳукмронлиги (1405-1411)” номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1978 йилда эса унга “Мирзо Шоҳруҳ даврида темурийлар империяси” мавзусидаги тадқиқоти учун доцент унвони берилди.

Биз ушбу муаллифнинг Туркияда “Timur

*Р.Мамадалиев – ФарДУ, тарих йўналиши талабаси.*

ve Devleti” (Ankara 1991) номи билан, Ўзбекистонда эса “Буюк Темур давлати” номи билан нашр этилган асарига алоҳида тўхталмоқчимиз.

Исмоил Ака ўз асарида дастлаб Амир Темур давлати ташкил топиши арафасида Чигатой улуси ва унга қўшни бўлган мамлакатларда юз берган сиёсий жараёнларни ўрганган. У Амир Темурнинг ёшлик йиллари ҳақида деярли сўз юритмайди ва бу ҳолатга “1360 йилгача кечган ҳаётига оид ҳеч бир билги қўлимизда йўқ”, дея изоҳ беради [7,6]. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, Амир Темурнинг болалик ва ўсмирлик даври ҳақида кўплаб муаллифлар ҳам маълумот бермаганлар [8,38] [9,28] ва буни манбаларда ушбу даврга оид маълумот мавжуд эмаслиги билан изоҳлаганлар. Муаллиф Амир Темурнинг 1336 йил 9 апрелда туғилганлигини, онасининг исми Текина Хотун, отасининг исми эса Амир Тарағай эканлигини таъкидлайди. Амир Тарағайнинг тавозели ва диндор инсон бўлганлигига, асосан вақтини руҳоний ва уламолар орасида ўтказганлигига, сиёсатга эса кўп ҳам аралашмаганлигига эътибор қаратади. Бу мулоҳазалар тасдиғини тарихий манбаларда ҳам кўришимиз мумкин. “Тарағайбек, - деб ёзади Шарафиддин Али Яздий, - уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисида борур эрди” [10,11].

Исмоил Ака Амир Темурнинг сиёсий майдонга келишидаги жараёнларни таҳлил қилиб, унинг ҳокимиятга келишида шахсий сифатлари катта ўрин тутганлигига урғу беради. Соҳибқиронни фаол, ишбилармон, қатъиятли, сиёсат бобида катта қобилият эгаси сифатида таърифлайди. Хусусан, муаллиф “Темурдан олдинги даврдаги беклик мавқелари жалойирлар ва барлослар қўлидан чиқиб, улусда унча эътибор қозонмаган, уруғ сифатида қоришиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетган қорауннасларга ўтиб бўлган эди. Шунинг учун ҳам Турағай ва барлослар аввалги сиёсий эътиборларини йўқотгандилар. Қорауннаслардан бўлган Амир Қазағон ва Ҳусайн замонида барлослардан Темур каби фаол ва ишбилар бир шахснинг пайдо бўлиши қабилага эски эътиборини тиклашга ва ҳокимиятни эгаллашга имкон яратди”, деб ёзади [7,6].

Муаллиф, Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни озод қилиш йўлида мўғулларга қарши олиб борган курашини, ҳокимият тепасига келишидаги воқеаларни ҳамда унинг Хоразм юришларини қисқача баён

этиб ўтади. Темурни узоқни кўра билган сиёсатчи сифатида таърифлайди. Тўхтамишнинг 1376 йилда Мовароуннаҳрга мадад сўраб келиши воқеасини баён этиб, Дашти Қипчоқ шахзодасини яхши кутиб олиб, унга кўплаб совғалар тақдим этганлигини қайд этади. Шарафиддин Али Яздий ҳам бу хусусда “Ул хазрат анинг қадамини азиз тутиб, таъаззум ва иноятлар қилди ва тўй бериб, хайма-ҳиргоҳ ва наққора ва нафир ва қатор тевалар ва отлар яна нимаким, подшоҳликда керак турур, барчани ясаб берди ва ани ўғул ўкуди”, [10,81] деб таъкидлаган эди. Тўхтамишга бундай эътибор сабабини Исмоил Ака қуйидагича изоҳлайди: “Ақлли ва илгарини кўра билган Темур бир давлат одами ўлароқ уни қўллаб-қувватлаш кераклигини яхши англади. Зеро, Оқ Ўрданинг кучайиб кетиши таҳликаси ҳам сезилмоқда эди. Ҳатто, Оқ Ўрда кучайган тақдирда ҳам бутун қаршиликларни синдириб, келажакда Дашти Қипчоққа ҳукмрон бўла олишини-да англади. Зотан, Оқ Ўрда ва Олтин Ўрданинг бирлашуви натижасида ўртага чиқажак кучли бир қўшни давлат Темур учун жудаям хавфли бўлур эди. У бу ишларнинг олдини олиш мақсадида мутлақо Дашти Қипчоқни қўлга киритиш кераклигини туйди” [7,11]. Муаллиф Амир Темурнинг сиёсий мақсадлари ҳақида чуқур мулоҳаза қилиб, вазиятга тўғри баҳо беради. Чиндан ҳам бу даврда Урусхон Оқ Ўрдада кучли давлат барпо этишга интилаётган ва бу Мовароуннаҳр ҳудудларини хавф остида қолдираётганди. Тўхтамиш орқали Олтин Ўрдага таъсир ўтказиш Амир Темур учун айти мударо эди. Бу орқали Соҳибқирон ўз давлатининг шимолий чегаралари хавфсизлигини таъминлашни мақсад қилди.

Исмоил Ака Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига сабаб сифатида Тўхтамиш қудратининг ортиши, ўз давлатини кенгайтиришга интилиши ва ҳар икки давлат манфаатларининг бир жойда тўқнаш келганлигини кўрсатиб ўтади. Кавказда юз берган ўзаро манфаатлар тўқнашувини қуйидагича баҳолайди: “Темурнинг Шимолий Эрон ва Озарбайжонни қўлга олиши, худди XIII-XIV асрларда Жўжи улуси ва элхонийлар орасида бўлгани каби, Қофқоздаги янги тўқнашувларга йўл очарди. Тўхтамиш Мамайга қарши қўшин тортиб, уни енгиб, бутун Дашти Қипчоқни эгаллади. 1382 йилда Москвага зафарли юриш қилгач, энди эски паноҳи бўлган Темурни ҳам менсимай қўйди” [7,16]. Рус тарихчиси А. Ю. Якубовскийнинг бу

## ТАРИХ

хусусдаги фикрлари ҳам диққатга сазовор. "Тўхтамиш...Олтин Ўрда худудини кенгайтириш учун қатор юришлар бошлади, шу жумладан, Кавказорти ва Озарбайжонга ҳам... Тўхтамишнинг буюк давлатчилик сиёсати Темурнинг Мовароуннаҳрда ўсиб бораётган давлати учун номақбул эди" [9,48]. Тарихшунос Б. Усмонов эса Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги манфаатлар тўқнашган худуд сифатида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзасини, Хоразм ва Озарбайжонни санаб ўтади ва Тўхтамишхон Озарбайжонни эгаллашга интилган Жўчи улусининг ҳукмдорларидан тўртинчиси бўлганлигини таъкидлайди [11,84-85].

Тўхтамишнинг Озарбайжонга даъвоси Темур манфаатларига мутлақо зид эди. Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи Олтин Ўрда назоратида бўлган вақтда Озарбайжоннинг ҳам қўлга киритилиши бу йўлнинг жанубий тармоқларини ҳам Дашти Қипчоқ назоратига ўтишини англатарди. Муаллиф ўз мулоҳазаларида Олтин Ўрда ва элхонийлар ўртасидаги муносабатларни Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги воқеаларга солиштиришда давом этади: "Ўз вақтида, ўтмишда Олтин Ўрда хонлари ва мамлук султонлари ёвлари элхонларга қарши биллашиб иш тутганлари каби, эндиликда Темурга қарши биллашиб ҳаракати бошланганди. Тўхтамишнинг Қоҳирага юборган элчилари 1385 йил 25 январда яхши кутиб олингани маълум". Томонларнинг бу тўқнашувга муносабати хусусида эса "Тарафларнинг қарорлари бир-бирдан фарқли эди. Темур ҳозирча урушмоқчи эмасди, Эрон, Озарбайжон ва Қоғқозда вазиятни яхшилаб олиб, кейин Тўхтамиш билан майдонга кирмоқчи эди. Тўхтамиш эса Темурнинг айна ҳолатидан фойдаланиб, янада кучаймасдан олдин-бир кун бўлса-да, аввалроқ урушга кирмоқчи эди", дея қайд этади [7,17]. Бу вазиятни А.Ю. Якубовский қуйидагича изоҳлаган: "80-йилларнинг биринчи ярмида Тўхтамишхон Амир Темурдан ҳарбий ва моддий ресурслар жиҳатидан яққол устун бўлган" [12,332-333]. Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Исмоил Ака Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бориш динамикасини тўғри таҳлил қилиб бера олган.

Исмоил Ака Амир Темурнинг Тўхтамиш билан иккинчи бор тўқнашуви вазиятини ҳам жиддий таҳлил қилган. "Қози Бурҳониддин, - деб ёзади Исмоил Ака, - Темурнинг итоат

истаб юборган мактубига рад жавобини битиб, мактубнинг нусхаларини Мамлук ва Усмонли давлатларига жўнатди... Қози Бурҳониддин, Боязид, Барқуқ, Тўхтамиш ўртасида бир иттифоқ яратилди. Фақат кўп ўтмай, Темур бу иттифоқни парчалаб ташлаб, тўғри Сивасга қараб юрди. Аммо фавқуллоҳда Арзирумга келган Темур орқага қайтиб, Тўхтамиш устига йўналган эди. Зеро, у бу замонда Анадўлуга кирганда, шимолдан Олтин Ўрда, жанубдан Мамлук давлати қўшинлари бостириб келиши эҳтимоли бор эди ва у ҳолатда Темур тамоман ёвлар орасида қоларди" [7,23]. Б. Усмоновнинг ушбу масала юзасидан билдирган фикрлари Исмоил Акага ҳамоҳанг бўлиб, у Амир Темур Олтин Ўрдага юриш бошлаган тақдирда Тўхтамишхоннинг иттифоқдошлари фаол ҳарбий ҳаракатлар олиб боришдан манфаатдор бўлмаганликларига эътибор қаратади [13,97-98]. Чиндан ҳам Мамлуклар ва Усмонли турклар Бағдод тахтига Султон Аҳмад Жалойирни қайтариш билан чекландилар. Натижада, Амир Темур Бағдодни қўлдан бой бериш эвазига бўлса-да, бутун Олтин Ўрдани батамом тор-мор этишга эришди.

Исмоил Ака Тўхтамишни мағлуб этган Амир Темур Москва атрофларигача кириб борганлигини таъкидлайди. «Йўл-йўлакай, - деб ёзади муаллиф, - атрофни яғмолаб фатҳ этиб Москва яқинларигача борди. Қайтишда Озоқ шаҳрига кириб, ортидан Кубан ва Доғистонга ўтди. 1395 йил охирларида Темур Ҳожи Тархон ва Беркесарой устига юрди, жиддий бир қаршилик кўрмай шаҳарларни эгаллади" [7,24].

Исмоил Ака Амир Темурнинг Олтин Ўрда устидан қозонилган ғалабасининг аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритган. У рус тарихчилари Н.М.Карамзин, А.Ю. Якубовский, С.М. Соловьев ва М.И.Иванинлар сингари [11,24,30,46] Соҳибқироннинг Олтин Ўрдага қилинган юришлари Жанубий ва Шарқий Европа халқлари, жумладан, рус халқи учун фойдали бўлган, деб ёзади: "Темурнинг Олтин Ўрдани енгиши Ўрта Осиё, жанубий ва шарқий Оврупо ва айниқса Русия учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Темур Тўхтамишни синдириб, ўзи билмаган ва истамаган ҳолда Русия ва рус князлари учун баҳосиз бир ёрдамни берганди. Зотан, энди Олтин Ўрда хонлари рус князлари учун бирор таҳлика туғдирилмас даражага тушиб қолгандилар" [7,25].

Муаллиф Амир Темурнинг беш йиллик юришдан қайтгач, Хўтан ва Чинга қўшин тортишни ўйлаганлиги, ҳатто бу ўлкалар чегараларига ҳарбий сафарга тайёргарлик кўриш учун невараси Муҳаммад Султонни юборганлигини қайд этади. Шу билан биргаликда Соҳибқироннинг нима учун Хитой сари бормасдан Ҳиндистон томон лашкар юборганлиги тўғрисида эҳтиёткорлик билан фикр билдиради: “Бу ҳаракатлар бир ёқда қолиб, нечун Темур фикрини ўзгартиргани тарихларда ёзилмаган; эҳтимол, у Ҳиндистон юришини кейинги фатҳлар учун моддий манба бўлишини кўзда тутгандир” [7,25]. Лекин, муаллифнинг сўнги фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Маълумки, Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришидан мақсади бу ҳудудлар орқали ўтадиган карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш ва улар устидан назорат ўрнатиш бўлган [13,97-98].

Исмоил Ака Анқара жанги тафсилотларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. У жанг “Чубуқ сойидан ғарбга томон олти чақиримча чўзилган Қизилчакўй дарасида бўлди”, деб ёзади. Шунингдек, муаллиф кўшинлар сони ҳақида турлича маълумотлар борлигига эътибор қаратиб, “Умуман, Усмонли ўрдусида етмиш минг, Темур кўшинида ундан кўпроқ жангчи бўлган. Уруш 28 июль жума куни бошланган”лигини таъкидлайди [7,32]. Афсуски, кўпгина тарихий манбаларда ушбу жангга қатнашган лашкар миқдори ҳақида маълумотлар учрамайди [14.329-331;15.239-241]. Муаллифнинг ушбу фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди, кўпгина тарихчилар бу жангдаги кўшинлар сони ҳақида турлича маълумот берадилар. Хусусан, Н. Аҳмедов [16,50], А. Муҳаммаджонов [17,26] ва А.Якубовскийлар [9,37] ҳар иккала томондан 200 мингдан жангчи қатнашганлигини ёзган. Ҳ. Дадабоев [18,76] эса Боязиднинг кўшинлари сонининг 160 минг бўлганлиги ва Амир Темурнинг кўшинлари сони ҳақида аниқ маълумотлар йўқлигини айтиб ўтади. М. Иванин [19,193] эса Темур кўшинлари 300 минг ёки 350 минг, Боязид кўшинлари сони эса 200 минг ёки 250 минг бўлганлигини ёзади. Ўрта асрлар ҳарбий санъати тарихи билан шуғулланувчи инглиз олими Дэвид Никольнинг таъкидлашига кўра эса, ушбу жангга Амир Темур кўшини 140 минг, Боязид кўшини эса 85 минг кишини ташкил этган [20,29]. Яна бир ҳарбий тарихчи Иен Хит эса юқоридагиларга зид равишда Боязиднинг кўшинлари кўп сонли бўлганлигини таъкидлайди. Яъни, Боязиднинг кўшини сони 120 минг, Амир Темур кўшини эса

80 минг бўлган [21,349]. Биз эса ҳар иккала томон кўшинларнинг умумий сони 400 минг кишини ташкил этгани ҳолда сон жиҳатдан устунлик Амир Темур кўшинида бўлганлигини ҳақиқатга яқинроқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки Амир Темур Дашти Қипчоққа уюштирилган 1391 йилги юришга ҳамда 1404 йили бошланган Хитой юришига ҳам 200 минг лашкарни жалб этганлиги маълум. Шунинг учун ҳам Султон Боязиддек кучли рақиб билан жангга Амир Темур кўшинларининг сони 200 мингдан кам бўлмаганлигини тахмин қила оламиз.

Исмоил Ака Амир Темурнинг Анқара жангидаги ғалабаси Усмонли Турк давлати учун салбий оқибатларга олиб келганлигини алоҳида қайд этади: “Боязиднинг енгилиши билан тугаган бу уруш натижасида Бизанс императорлигининг қулаши яна эллик йилга орқага сурилиб кетди. Рум элида фатҳлар ва турк-муслмонларнинг юрт кенгайтириш ҳаракатлари таққа тўхтади. Шаҳзодалар ўртасида ҳокимият талашишлар, уришишлар, низолар ва Темур тарафидан Анадўлу бекликларининг янгидан жонлантирилиши бу ўлкадаги сиёсий бир бутунликнинг бузилишига олиб келди”. Шунингдек, у, Боязид давлатни бирлаштириб, бекликларга барҳам бергани, Амир Темур эса Усмонлилар давлатини яна бекликларга бўлиб юборганлигини таъкидлайди [7,32].

Муаллиф, Амир Темур фаолияти ҳақида анча объектив ва тарихий ҳақиқатни акс эттирувчи фикрлар билдирган бўлса-да, унинг бир қатор қарашларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Хусусан, Исмоил Ака Амир Темурнинг оиласи ҳақида сўзлаб, Амир Ҳожи Барлосни ҳозирги кўпчилик илмий асарларда бўлгани каби Амир Темурнинг амакиси, деб таърифлайди: “Сиёсат ва ҳокимият ишларига унинг амакиси Амир Ҳожи кўпроқ яқин эди”[7,6]. Янги илмий тадқиқотларда эса Ҳожи Барлос Амир Темурнинг амакиси эмаслиги ўз тасдиғини топган [13,18-19].

Муаллиф Амир Темурни Хитой юришига сабаб қилиб, диний масалаларни кўрсатади: “Ҳиндистонга юришидан аввалроқ золим кофирларни йўқ қилиш фикрига тушган Темур сафарни бошларкан, Муҳаммад Султонни қирқ минг кишилик кўшин билан Мўғулистон чегараларига юборган, унга экинчилик ишларини кучайтиришни буюрган эди... Хитой императори Тўнгузхоннинг муслмонларни ўлдириб, ислом динини таҳқирлаётганини эшитган ва император вафот этгани хабарини олгандан сўнг ниҳоят, энду бутпарастларга

## ТАРИХ

етарли бир зарба беришга қарор қилди ва шарққа юришни режалаштирди” [7,36]. Лекин фақатгина ғоявий масалаларнинг йирик ҳарбий юришга асос бўлиши тарихий ҳақиқатни тўла акс эттирмайди. Аслида бу юришнинг сиёсий ва иқтисодий сабаблари бор эди [13,117].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Исмоил Ака ўз илмий тадқиқотлари орқали Туркия давлатида темуршунослик мактабининг шаклланишига ва ривожига катта ҳисса қўшди. У Соҳибқиронни моҳир саркарда, узоқни кўра билувчи сиёсатчи, халқ ҳомийси сифатида тасвирлайди. Амир Темурни буюк ҳукмдор сифатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий

жиҳатдан мустаҳкам давлат тузганлигини кўрсатиб беради. Соҳибқироннинг бунёдкор шахс сифатида кўплаб шаҳарларни обод қилганлиги, меъморчилик иншоотларини барпо эттиргани, халқ ҳаётини яхшилаш учун деҳқончилик ишларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берганлиги, савдо-сотиқ ишларини жонлантириб, карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаганлигини тарихий манбалар асосида ёритиб берган. Умуман олганда, Исмоил Аканинг ушбу асари Туркия тарихшунослигида Темур сиймоси яратилишида катта аҳамиятга эга бўлиб, бундан кейинги темуршуносликнинг ривожланишига катта тurtки бўлди.

## Адабиётлар:

1. Yaşar Yücel. Timur tarihi hakkında araştırmalar – Türk Tarih Kurumu, 1976; Yaşar Yücel. Timur'un Ortadoğu - Anadolu Seferleri ve Sonuçları (1393 - 1402) – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 1989.
2. M. Kemal Özergin. Temürlü sanatına ait eski bir belge: Tebrizli Ca'fer'in Bir Arzı – İstanbul: Edebiyat fakültesi, 1976.
3. İsmail Aka “Timur'un Ölümünden Sonra Güney İran'da Hâkimiyet Mücadeleleri”, -İstanbul, 1976.
4. Mustafa Daş. Bizans Kaynaklarında Timur İmajı, Tarih İncelemeleri Dergisi, 2005.
5. Alan H. "Bozkırdan Cennet Bahçesine Timurular(1360-1506)" – İstanbul: Ötüken, 2007.
6. Musa Şamil Yüksel. Timurularda Din-Devlet İlişkisi – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2009.
7. Исмоил Ака. Буюк Темур давлати (Т. Қаҳҳор таржимаси) – Т.: Чўлпон, 1996.
8. Бартольд В.В. Улугбек и его время // Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч. 2. – М.: Наука, 1964.
9. Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния. – М: Гураш, 1992.
10. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома // Сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков – Т.: Шарқ, 1997.
11. Усмонов Б.А. Россия тарихшунослигида Амир Темур сиймоси – Т: Фан, 2011.
12. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая орда и ее падение – М.; Л.: АН СССР, 1950.
13. Усмонов Б.А. Амир Темур давлати (сиёсий ва ҳарбий тарих масалалари) – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016.
14. Низомиддин Шомий. Зафарнома /Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизу Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев -Т. : Ўзбекистон, 1996.
15. Фиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар (Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст) / форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари И. Бекжонов, Ж. Ҳазратқулов; масъул муҳаррир А. Аҳмедов; махсус муҳаррир В. Раҳмонов – Т.: Ўзбекистон, 2013.
16. Аҳмедов Н. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
17. Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати (тарихий очерк) – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994.
18. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати – Т.: Ёзувчи, 1996.
19. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур – Т.: Фан, 1994.
20. David Nicolle & Angus McBride. Armies of the Ottoman Turks, 1300—1774 – Oxford: Osprey Publishing, 1983.
21. Justin Marozzi. Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World – Cambridge: Da Capo press, 2004.
22. Темур тузуклари. // Форсча матндан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Изоҳлар Бўрибой Аҳмедов ва Ашраф Аҳмедов – Т.: Ўзбекистон, 2014.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).